

**Техник тадқиқот ишлари бўйича хизмат кўрсатишга
ШАРТНОМА ТСИ № 2022-11/05**

9-декабрь 2022-й.

Андижон шаҳри.

“ТехСиновИншоот” маъсулияти чекланган жамият директори Д.Мадаминов, бундан буён матнда “Бажарувчи” деб юритилувчи номидан жамият Низомига асосан фаолият кўрсатувчи бир томондан ва “Андижон Давлат педагогика институти, бундан буён матнда “Буюргачи” деб юритилувчи номидан (корхона, муассаса, ташкилот номи)

ректор Б.М.Расулов институт Низомига асосан фаолият кўрсатувчи, иккинчи томондан куйидагилар тўғри (Ф.И.О. эгаллаб турган лавозими, Низом ёки бошқа хужоят) сида ушбу шартномани тузишди.

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. “Бажарувчи” “Буюргачи”нинг техник тадқиқот ишларини ўтказиш буюргасига мувофиқ буюргачининг обьектида техник тадқиқот ишларини бажариш мажбуриятини, “Буюргачи” эса кўрсатилган хизматларни қабул қилиш ва хизматлар қийматини тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. “Бажарувчи” обьектнинг техник тадқиқот ишлари натижаларини хulosса (хисобот) шаклида расмийлаштиради.

1.3. “Буюргачи”нинг обьекти – Андижон шаҳар Дўстлик кўчаси 2-й манзилида жойлашган.

1.4. “Бажарувчи” “Ўкув ва маъмурий, спортзал бинолари”да техник тадқиқот ишларини амалга оширади.

2. ХИЗМАТЛАР ҚИЙМАТИ

2.1. Мазкур шартнома бўйича кўрсатилган хизматлар КҶСиз 21.600.000 (йигирма бир миллион олти юз минг) сўмни ташкил этади.

2.2. “Буюргачи” “Бажарувчи”га ушбу шартноманинг 2.1. бандида белгиланган хизматлар қийматининг 30% - яъни, 6.480.000 (олти миллион тўрт юз саксон минг) сўм миқдорини мазкур шартнома имзоланган кундан кечикмай 5 кун мобайнida бўнак тариқасида ўтказиб беради.

Якуний тўлов қиймати техник хulosани қабул қилиб олишдан олдин амалга оширилади. Техник хulosса “Буюргачи”га кўрсатилган хизматлар учун қолган 70% - яъни, 15.120.000 (үн беш миллион бир юз йигирма минг) сўм хисобида тўлов амалга оширилгандан сўнг берилади.

2.3. Кўрсатиладиган хизматлар ҳажми ќўпайиб кетган тақдирда, “Бажарувчи”га тўланадиган тўлов миқдори “Буюргачи” билан “Бажарувчи” ўргасида тузиладиган ќўшимча келишувга асосан қайта кўриб чиқилади.

2.4. Ушбу шартномага асосан барча ҳисоб-китоб ишлари Ўзбекистон Республикасининг миллий валюта бирлигига “Бажарувчи”нинг ҳисоб рақамига пул-маблаги ҳисобида ўтказиб берилади.

3. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ МУДДАТИ

3.1. “Буюргачи” томонидан аванс тўлови тўланиб, тадқиқот ишларини бошлаш учун обьектга киришга рухсат берилгандан сўнг, “Бажарувчи” 15 кун мобайнida кечикмаган ҳолда ҳисоботни тақдим этиш мажбуриятини олади.

3.2. Объектга киришга рухсат шартнома тўлиқ имзоланганидан сўнг тақдим этилиши керак.

4. БЮОРГАЧИННИГ ХУҶУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. “Буюргачи” нинг мажбурияти қуйидагича:

- техник тадқиқот ишларини бажариш учун “Бажарувчи”нинг вакилларини обьектга киришини таъминлаш;
- обьектда техник тадқиқот ишлари ўтказилиши давомида ўзининг вакилининг иштирокини таъминлаш;
- кўрсатилган хизматларни қабул қилиш - топшириш далолатномаси бўйича хизматларни қабул қилиш;
- шартнома шартларида кўрсатилган хизматлар қийматини “Бажарувчи”га белгиланган муддатда тўланишини таъминлаш;
- техник тадқиқот ишлари бошлангунга қадар “Бажарувчи”га, обьектнинг техник хужожатлари, шунингдек, аввалги ўтказилган техник тадқиқот ишлари хulosалари, авария ҳолатлари мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги тўғрисидаги хужожатлар ва обьектга таълуқли бошқа техник-ижроий хужожатларни тақдим этиш;

- техник тадқиқот ишлари бошлангунга қадар “Бажарувчи”га, мазкур шартноманинг 1.1. бандига асосан объектнинг “Буюртмачи”га тегишилиги түғрисидаги гувоҳнома ҳужжатларини тақдим этиш;
- ушбу шартнома имзоланиши вақтида 1 ишчи куни давомида қуйидаги ҳужжатлар нусхасини тақдим этиш: Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик паспорти.

“Буюртмачи” қуйидаги хукуқقا эга:

- техник тадқиқот ишлари олиб борилиши ва сифатини доимий текшириб бориш.

5. БАЖАРУВЧИННИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. “Бажарувчи” нинг мажбурияти қуйидагича:

- техник тадқиқот ишларини бажариш учун мутахассисларни тайинлаш;
- техник тадқиқот ишлари тугалланганидан сўнг, “Буюртмачи”га кўрсатилган хизматларни қабул қилиши - топшириш далолатномаси ва техник хulosаси(ҳисобот)ни тақдим этиш;

5.2. “Бажарувчи” қуйидаги хукуқقا эга:

- мазкур шартнома бўйича хизматлар кўрсатилиши давомида олинган маълумотлардан, шу соҳага оид эълонлар, илмий кўлланмалардан ва ўз фаолиятига доир материаллардан фойдаланиш;
- мутахассисларни жалб қилиш.

5.3. Объектга кириш учун рухсат “Буюртмачи” томонидан тақдим этилмаган тақдирда, “Бажарувчи” шартнома талабларини бажаришни рад этиш хукуқига эга.

6. ХИЗМАТЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ - ТОПШИРИШ ДАЛОЛАТНОМАСИНИ ИМЗОЛАШ ТАРТИБИ

6.1. “Буюртмачи” мазкур шартноманинг 3.1. банди бўйича кўрсатилган хизматлар муддати тугаган кундан кейин техник хulosаси (ҳисобот)ни қабул қилиб олади.

“Бажарувчи” бир вақтни ўзида техник хulosаси(ҳисобот) билан бирга қабул қилиши –топшириш далолатномасини икки нусхада “Буюртмачи”га тақдим қиласи. “Буюртмачи” томонидан далолатномалар имзоланади.

6.2. “Буюртмачи” қабул қилиши – топшириш далолатномасини олган кундан бошлаб 5 (беш) кун мобайнида имзолайди ёхуд асосли равишда рад этиш жавобини тақдим қиласи.

Асосли равишдаги рад жавоби “Бажарувчи”га юборилганда, томонлар бартараф этилиши зарур бўлган камчиликларни кўрсаттан ҳолда далолатнома тузадилар. Томонлар камчиликларни бартараф этиш муддатини белгилаб, далолатномага киритадилар.

Имзолangan қабул қилиши – топшириш далолатномасининг бир нусхаси “Буюртмачи”га қайтарилади.

6.3. Ушбу шартнома асосида “Буюртмачи” томонидан олинган техник тадқиқот ишлари натижаларининг ҳисоботи кўрсатилган хизматларни қабул қилинган деб ҳисбланади.

Ҳисобот “Буюртмачи” томонидан белгиланган муддатларда (шартноманинг 6.1. банди бўйича) олинмаган тақдирда, ҳисоботни берилishi белгиланган муддат хизматлар кўрсатилган деб ҳисбланади.

7. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

7.1. “Буюртмачи”нинг ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги оқибатида ушбу шартномада ўзига юклатилган мажбурият бажарилмаганда, “Бажарувчи” мазкур шартномадаги мажбуриятларнинг бажарилмай колишига жавобгар бўлмайди.

7.2. Тўлов мажбуриятлари амалга оширилмаган ҳолларда “Буюртмачи”га нисбатан жарима пенияси қўлланилади, яъни ҳар бир ўтказиб юборилган кун учун умумий қарздорлик суммасига нисбатан 0,1%ни ташкил этади.

7.3. Мазкур шартнома бўйича “Бажарувчи” томонидан белгиланган мажбуриятни бажариш кечиккан ҳолларда, ҳар бир ўтказиб юборилган кун учун шартнома қийматидан 0,1% жарима пенияси “Буюртмачи”га қайтарилади.

7.4. Объектга кириш имкониятлари яратиб берилмаган ҳолларда, мухандис объектга бориши тақрорланмайди ва шартнома қиймати қайта ҳисбланмайди.

7.5. Юзага келган келишмовчиликлар музокаралар орқали ҳал этилади. Музокаралар орқали келишмовчиликлар ҳал этилмаган тақдирда, қонуний тартибда хўжалик судига мурожаат қилинади.

8. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ

8.1. Форс-мажор ҳолатлари Ўзбекистон хукумати томонидан эълон қилинган бўлса мажбуриятларни тўлиқ ёки қисман бажармай қолган томон жавобгар бўлмайди. Бундай ҳолатларда Шартнома муддатлари ва мажбуриятлар қайта кўриб чиқилади.

9. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

9.1. Мазкур Шартнома Тарафлар уни имзолаган вақтдан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31-декабр кунигача амал қиласди.

10. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

10.1. Ушбу Шартномага киритиладиган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар, улар факат ёзма шакilda тузилиб, Тарафларнинг бунга ваколатли вакиллари томонидан имзоланганидан сўнг ҳақиқий ҳисобланади. Мазкур Шартномага иловалар унинг ажralmas қисми бўлиб ҳисобланади.

10.2. Томонларнинг розилиги бўлмаса ушбу шартноманинг мазмuni бўйича учинчи томонга хабар беришга йўл қўйилмайди.

10.3. Мазкур шартнома икки нусхада тузилди. Ҳар икки нусха айнан бир хил ва тенг кучга эга. Тарафларнинг ҳар бирида мазкур Шартноманинг бир нусхаси мавжуд.

ТАРАФЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

Буюртмачи:

Андижон Давлат педагогика институти

Андижон шаҳар Дўстлик кўчаси 4-йй.

тел: 74 224-01-77; 74 224-01-72

ШХР: 4009 1086 0034 0170 9410 0079 008

ИНН: 308 561 776 МФО – 000 14

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг
ягона Ғазна ҳисобвараги

XFP: 2340 2000 3001 0000 1010

Тошкент ш. ХККМ МБ ББ

МФО – 000 14 ИНН: 201 122 919

Бажарувчи:

“ТехСиновИншоот”

маъсулияти чекланган жамият

Бўйтон тум. Бўйтон МФЙ Ғалаба кўчаси 14-йй

тел: (+998) 95 200-03-01

ОАТБ “Ўзсаноатқурилишбанк” минтақавий
филиали

Х/р: 20208000 5048 2640 0001 МФО – 000 75

ИНН: 301 471403

ОКОНХ – 66 000

Б. М. Расулов

Д. Мадаминов



MAZKUR SHARTNOMA LOYIHASI
HUQUQIY EKSPERTIZADAN O'TKAZILDI
YURIDIK XULOSA

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI FUGAROLIK KONFERENSI
VA O'ZBEKİSTON RESPUBLİKASINIÑ 25.08.1998 YILDAGI "XO'JALIK YURITUVCHI
SHAKTALAR FAQILATINING SHARTNOMAVIY-HUQUQIY BAZASI TO'SH NISBAGI
QOKUNING TALABIGIGA QOS KELADIGANABFLAR D'ETASIDA MAZKUR
SHARTNOMANI TUZISH, IMZOLASH VA UCHBOSHIMLASH TAVISIYA ETILADI
HUQUQSHUNOS: _____
T. T. MIRZAYEV
201 ____ yil

Шартноманинг келишилган нархини белгилаш
БАЁННОМАСИ

Биз қўйида тасдиқловчилар, БУЮРТМАЧИ номидан Андижон Давлат педагогика институти ректори Б.М.Расулов ва БАЖАРУВЧИ номидан “ТехСиновИншоот” маъсулияти чекланган жамият раҳбари Д.Мадаминовлар, 21.600.000 (йигирма бир миллион олти юз минг) сўмга Андижон шаҳар Дўстлик кўчаси 2-й манзилида жойлашган “Ўқув ва маъмурий, спортзал бинолари”нинг техник ҳолатини текшириш учун томонлар аниқланган қиймат нархини қабул қилдилар.

Мазкур баённома БУЮРТМАЧИ ва БАЖАРУВЧИ ораларидаги ўзаро ҳисоб-китоб ишларини одиб боришлари учун асос ҳисобланади.



Б.М.Расулов

БАЖАРУВЧИ

Д. Мадаминов



ТСИ №2022-11/05 -сонли
шартномага 2-илва

Бинолар ва иншоатларнинг техник ҳолатини текширишга
КАЛЕНДАР РЕЖАСИ

Буюртмачи: Андижон Давлат педагогика институти

Бажарувчи: “ТехСиновИншоот” маъсулияти чекланган жамияти.

Объект номи: Андижон шаҳар Дўстлик кўчаси 2-й манзилида жойлашган “Ўқув ва маъмурий, спортзал бинолари.

№	Шартнома бўйича бажариладиган ишларнинг ва асосий босқичларнинг рўйхати	Бажариш муддати	Босқичларнинг ҳисоб қиймати (сўм)
1.	Объектни ўрганиш	2022 йил декабрь оий	21.600.000 сўм
2.	Лойиҳа, ижроий ва кадастр хўжжатлари билан танишимиш.		
3.	Кўриш орқали (визуал) объект қурилиши конструкцияларини текшириш		
4.	Ўлчов ишларини амалга ошириш		
5.	Объектни тўла ва конструкциялар ҳолатига баҳо бериш		
6.	Объектнинг ҳолатидан келиб чиқиб, тавсиялар бериш		
7.	Якуний сурʼосалар бериш		



Б.М.Расулов

БАЖАРУВЧИ:

Д. Мадаминов

